

МАЗМУН ВА ЖАНР ХУСУСИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР



Махфуза Исроиловна ДАВРОНОВА
докторант, филология фанлари номзоди
Самарқанд давлат университети

Аннотация

Мақолада шоир ижодий усулини ўрганиш орқали жанр ва асар мазмуни масаласи кўриб чиқилган. Асосий эътибор Фахриёр ижодига қаратилган, сонет, рондель, шеър эртақ, шеър хикоя каби жанрлар тадқиқ этилган. Сонет Фахриёр лирикасидаги энг муҳим жанр сифатида тадқиқ этилиб, у орқали ижодкор услуби аниқланган.

Калит сўзлар: жанр, мазмун, услуб, ижодкор, шеър.

НЕКОТОРЫЕ РАЗМЫШЛЕНИЯ О СОДЕРЖАНИИ И ЖАНРЕ

Махфуза Исроиловна ДАВРОНОВА
докторант, кандидат филологических наук
Самаркандский государственный университет

Аннотация

В статье с помощью изучения творческого стиля поэта рассматриваются такие аспекты, как жанр и его содержание. Основное внимание в статье уделяется к творчеству Фахриёра, исследуются такие жанры, как сонет, рондель, лирическая сказка, лирический рассказ. Сонет и рондель были изучены как со стороны контента, так и жанра. Сонет изучается в лирике Фахриёра как наиболее важный жанром, в котором определяется его творчество.

Ключевые слова: жанр, смысл, стиль, творческий создатель, стих.

SOME REFLECTIONS ON CONTENT AND GENRE

Mahfouza Izrailovna DAVRONOVA
Ds student, Candidate of Philological Sciences
Samarkand State University

Abstract

The article considered studying the poet's creative style, aspects such as the genre and its content. The article focuses on the work of Fakhriyar, studies such genres as sonnet, rondel, lyrical fairy tale, lyrical story. Sonnet and rondel were studied both from the content and the genre. Sonnet is studied in the lyrics of Fakhriyar as the most important genre in which his work is defined.

Keywords: genre, thoughts, style, creator, poem.

Бадий асар ғояси қанчалик муҳим бўлса, уни юзага келтирган мазмун ҳам шу даражада муҳимдир. “Умуман мазмун деганда биз санъат асарида акс эттирилган ҳаёт парчасини тушунамиз. Бошқача айтганда, воқелик, ижтимоий турмуш муаммолари санъат асарининг мазмунини, моҳиятини ташкил қилади” (3, 95). Адабиётшунос Иззат Султон бадий асар мазмуни ҳақида

шундай ёзади: “Адабий асарнинг бош ғояси жуда муҳим бўлиши мумкин, аммо бу асосий ғоя бадиий асарда бутун “ғоялар хазинаси”ни тўла ифода этолмайди... бадиий асарнинг мазмуни бош ғоя билан ҳам, ҳамма “ғоялар хазинаси” билан ҳам чекланмайди. Ҳар бир бадиий асар ҳаётнинг катта ё кичик умумлаштирилган манзарасидир. Ҳаётда эса ғоялар алоҳида яшамайди, улар турмушнинг мураккаб жараёнида ўз ифодасини топади. Шу сабабли адабий асарнинг мазмунида унинг ғоявий мазмунидан ташқари ҳаётининг мазмун ҳам бор. Яна ҳам тўғрироғи, бадиий адабиётда ғоявий мазмун ҳаётининг мазмун доираси ичида яшайди” (6, 100-101). Дарҳақиқат, бадиий асар мазмуни бош ғоя ҳамда “ғоялар хазинаси” билан ҳам боғлиқ. Ёзувчи бермоқчи бўлган ғоя унинг дунёқарашини ифода этганлиги боис, мазмунда ўзининг ифодасини топади. Адабиётшунос Дилмурод Қуроноф бу ҳақда қуйидаги фикрларни илгари суради: “Мазмун ўзгарувчанликка мойил ҳодиса бўлиб, ҳар бир бадиий асар мазмунан ўзича оригиналдир. Сабаби, ўша асарни яратган ижодкор – индивид, у дунёни ўзича кўради ва баҳолайди. Шунга кўра, ҳатто ошкор тақлидий руҳдаги асар ҳам мазмунан оригинал (оригиналлик бу ўринда ижодий баҳо маъносига эмас, балки умуман ўзига хослик, бошқаларга айнан ўхшамайдиган деган маънода тушунилади) саналади” (9, 88).

Умуман, поэтик мазмун ҳодисаси жанрлар билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Адабий асарларнинг жанр хусусиятлари мазмун билан ёритилади. Яъни мазмун жанрни ҳосил қилишда етакчилик қилади. Жанр ҳақида сўз кетганда, адабиётшуносликда ўнлаб асарларга дуч келиш мумкин. Москва Давлат университетида нашр этилган “Адабиётшуносликка кириш” (1983), И.Гринбергнинг “Три грани лирики” (Москва, 1975), Г.Маркевичнинг “Основные проблемы науки о литературе” (Прогресс, 1980), В.Арешканинг “Литовская советская лирика” (Вильнюс, 1983), “Адабиёт назарияси” (Тошкент, 1978), “Адабиётшуносликка кириш” (Тошкент, 1984), И.Султоннинг “Адабиёт назарияси” (Тошкент, 1983), С.Мамажоновнинг “Ранглар ва оҳанглар” (Тошкент, 1980), О.Шарафиддиновнинг “Йиллар ва йўллар” (Тошкент, 1979), И.Ғафуровнинг “Шеърят – изланиш демак” (Тошкент, 1984), Ж.Камоловнинг “Лирик шеърят” (Тошкент, 1986), “Услублар ва жанрлар” (Тошкент, 1972) каби асарларда шеърининг жанрлар назарияси ва тарихи тадқиқ этилган ва муайян хулосалар баён қилинган.

Кўплаб тадқиқодларда жанр тушунчаси композицион қурилиш билан боғаланади – жанр (роман, қисса, ҳикоя, новелла сингари) структурасидан келиб чиққан ҳолда талқин қилинади. Рус мунаққиди В.В.Кожининг жанрларни тадқиқ этиш асносида юқоридаги хулосаларга ҳамоҳанг фикрларини шундай баён қилади: “...ҳар қандай жанр ўзига хос аниқ, индивидуал шаклга эга, бир вақтнинг ўзида бошқалардан ажралиб турадиган қурилишга, бадиийликка,

нутқнинг ўзига хос жиҳатларига ва мусиқийликка эга” (5, 107) деб ҳисоблайди. Бироқ ҳар қандай жанрни унинг тузилиши ва шаклидан ахтариш нотўғри. Чунки жанрларнинг ўзига хос жиҳатлари фақат унинг қурилиши билан юзага чиқмайди. “Асарнинг шакли унинг ўзига хос жиҳатлари билан бирга асар ғояси ва унинг мазмунини ифода этиш учун ҳам ўзгаради. Шубҳасиз, жанрни асарнинг мазмун-моҳияти ҳам белгилайди”(2, 233). С.С.Аверинцев жанр хусусида қуйидаги тўхтамга келади: “Жанр бу мавҳумлик, шу вақтнинг ўзида реаллик: ёпиқ деаликтик моҳият ва ошкора тушунча”(4, 3-25). Демак, жанрни мазмундан ажратиб бўлмаганлиги боис у ҳам мавҳум, ҳам ошкора кўринишга эга бўлади. Шу билан бирга жанр шаклини ҳам белгилаб беради.

Жанрлар хусусида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Фахриёр ижодига шу нуқтаи назардан ёндашилса, шеърятининг муайян қисмини сонет жанри ўрин эгаллаганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Бундан ташқари, унинг ижодида рондель, шеърый ҳикоя, шеърый эртак, бағишлов каби жанрлар ҳам ўрин эгаллаган. Фахриёрнинг “Геометрик баҳор” шеърый тўпламидан рондель, сонет каби жанрларга мансуб шеърлар жой олган. Ушбу тўплам қирқ бешта сонет бирлаштирилган. Шоирнинг ўзи уни сонетарий деб атайди. Сонетлар шакл жиҳатидан $4+4+3+3=14$ кўринишга эга. Фақат биргина сонет шу шаклдан мустасно.

Фахриёр сонетларининг катта қисми $a-b-a-b$, $c-d-c-d$, $e-f-g$, $h-i-j$ кўринишидаги қофияланишга эга. Шоир сонетни ўзига хос услубда қофиялайди. Икки тўртлик аниқ қофияланиш тартибига бўйсундирилган бўлса икки учлик қофияланмайди. Бу ҳолат барча сонетларига тегишли эмас. Баъзи сонетларда учликлар ҳам қофияланиш тартибига бўйсундирилган. Бу каби қофияланишлар италян сонетларини ёдга солади. Сонет жанри италян ижодкорлари ва уларнинг асарлари орқали жанр сифатида шакллانган. Уларда айнан $4+4+3+3=14$ шакли сонетнинг асосий кўриниши сифатида тақдим этилган. Бироқ инглиз сонетлари ҳам даврлар оша ўз мавқеини эгаллай бошлаган. Инглиз сонетлари $abab-cdcd-efef-gg$ қофияланишга эга ва улар $4+4+4+2=14$ кўринишдадир. Учта тўртлик ва битта иккилик структурасига эга бўлган сонетларда Шекспир баракали ижод этган эди. Шу боис бу туркум сонетлар шекспирона сонетлар деб таърифланади. Фақат шу тузилишдаги сонетларда иккилик нақорат вазифасини ҳам бажаради.

Сонет жанри 1935 йили Усмон Носирнинг “Яна шеъримга” деб номланган сонети орқали ўзбек шеърхонига етиб келди. Шундан сўнг Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Шукрулло сингари шоирлар бу жанрда ижод қилдилар. Бироқ сонет XX асрнинг 60-йилларига қадар шуҳрат қозонмади. Бу жанр кейинроқ Барот Бойқобилов ижодидан кенг ўрин олди.

“Сонет ғазал сингари, катъий банд ва қофия системасига эга: унинг мураккаб ва катъий шакл талаблари, юзаки қараганда, эҳтирос тўлқинларини, туйғу ва кечинмалар туғёнини, фалсафий мушоҳадалар оқимини жиловлаб кўяди. Лекин бу жанрнинг моҳир усталари – Петрарка, Шекспир, Ронсар, кейинчалик Бехер ва Арагон сонетларида туйғу ва кечинмаларнинг асов тўлқини отилиб туради. Демак, гап, ғазалдагидек, жанр шаклининг “шоир қўлоёғини боғлаши”да, “қисиб кўйиши”да эмас, балки ижодкорнинг маҳоратидадир”(8, 123).

Сонет тузилиши ҳақида гап кетганда, унинг мазмун-моҳияти билан боғлиқ тузилишни ҳам тушунмоқ зарур. Биринчи тўртлик яъни катрена мавзу моҳиятини очиб берадиган бўлса, иккинчи тўртлик унинг ривожланишига йўл очади, учинчи тўртлик ечимини берса, иккилик хулоса учун хизмат қилади. Бу албатта ислоҳ этилган инглиз сонетларининг мазмун-моҳиятидир. Классик сонетда эса “биринчи тўртликда асосий фикр ўртага ташланади, иккинчи тўртлик бу фикрни ривожлантиради; биринчи учлик ечимдир, иккинчи учлик хотима дейилади”(1, 188). Ислоҳ этилган инглиз сонети шаклидан Шукрулло унумли фойдаланади. Ўзбек адабиётида ўз ўрнига эга бўлган шоирлардан Барот Бойқобилов 20 йил мобайнида бу жанрда ижод қилди. Классик сонетдан инглиз сонетига қадар бу жанрнинг хилма-хил кўринишларини истифода этди. Бироқ Фахриёр ижодида бундай тузилишдаги, яъни ислоҳ қилинган инглиз сонетлари учрамайди. Шоирнинг сонетарийдан жой олган биринчи сонети куйидаги мисралар билан бошланади:

<i>Ҳаёт юрагимни тилкалар</i>	<i>a</i>
<i>Сочларингдан ханжарлар ясаб.</i>	<i>b</i>
<i>Вайрон кўнгил отли ўлкалар,</i>	<i>a</i>
<i>Севги билан ичаман қасам!(7, 83)</i>	<i>b</i>

Анъанавий мавзунини танлаган шоир, ошиқ ҳолатини беринчи тўртликдаёқ ифодалашга муваффақ бўлган. Ҳолат тасвири фикр ривожига йўл очади. Унинг дил озори ила қалбдаги драматик вазият кескинлаша боради. *Отли ўлкалар* бирикмаси вайрон кўнгилни янада ойдинлаштиради. Биринчи тўртликда бир оз ғализ туюлган *Сочларингдан ханжарлар ясаб* мисраси шоир томонидан атайлаб, драматик ҳолатни бўрттириб бергандек ва натижада ўз услубини очишга ҳаракат қилган ҳолатни юзага келтиргандек гўё.

<i>Сочинг ханжарларидан озорлар</i>	<i>c</i>
<i>Келур дилга, ўзинг келмассан.</i>	<i>d</i>
<i>Юракда умидлар мозори</i>	<i>c</i>
<i>Ортар фақат, карам қилмассан.</i>	<i>d</i>

Иккинчи тўртликда фикр ривожлантирилган, айти пайтда шоир реалликдан қочиб ҳамма нарсани хаёлот призмасидан ўтказди. Хаёлдаги

сочнинг ханжарларидан озорлар келиши ва ўзининг эса кўриниш бермаслиги кўз ўнгимизда намоён этади. Шу сабаб бу ҳолатга ишонамиз. Ошиқнинг рухий ҳолатини тушунгандек бўламиз, шу сабабли юракдаги армонларга айланган умидларнинг мазорига шубҳа келтирмаймиз. Иккинчи тўртликдаёқ фикр ойдинлаша боради. Шоир соч деталини кунга, вақт, даврга нисбатан ишлатади. Лирик қаҳрамон – оддий ошиқ эмас. У ишқнинг гадоси. Илоҳий ишқнинг гадоси. Чунки тўртинчи мисраёқ ...*ортар фақат, карам қилмассан* тасаввуф ғояларини ёдга солади.

Сонетнинг ечими куйидаги учликда ифода этилган:

<i>Музлаб қолган юрак чатнайди,</i>	e
<i>Чақнаб ётар ҳажринг юлдузи.</i>	f
<i>Кўнгил сен тарафга қатнайди.</i>	e

Музлаб қолган юракнинг чатнаши, чақнаб ётган ҳажр юлдузи драматик кайфиятни кульминацион чўққига олиб келади, кўнгилнинг ёр ёнига катнаши эса сонет ечимини беради. Демак, Фахриёр ушбу сонетда мазмун моҳиятдан келиб чиқиб, жанрни тўғри танлай олади. Ва сўнгги банд – учликка хулосани жойлаштиради.

<i>Мен тоғ эмас, армонга ботдим,</i>	g
<i>Тўлқинлари кўмар юзимни,</i>	h
<i>Мавжларнинг остида ётдим.</i>	g

Сонетнинг илк мисраларидан то хотимасигача мазмун устунлик қилади. Ҳиссиёт, фикрга нисбатан иккинчи планга кўчади. Чунки армоннинг ботишини, тўлқин сингари мавжланишини ҳис қилишдан кўра, тасаввур қилиш осонроқ. Тасаввур тасвир орқали юзага чиқади. Ушбу сонетда фикр ҳиссиётга нисбатан устун. Унда фикр, ҳолат тасвири, тасаввур орқали қалб призмасидан ўтади. “...сонетда илгари сурилган мазмунни контраст ҳаётий мушоҳадалар, карама-қарши мулоҳазалар асосида юксак суръат билан очиш имконини беради. Бундай жанр хусусиятлари, ўз навбатида, янги тасвир усуллари, янгича услуб қирраларини тақозо этади ва юзага келтиради” (8, 124). Фахриёр ўз сонетлари билан ўзбек поэзиясига янги услубий жилоларни олиб кирди.

Фахриёрнинг “Сенсизлик” деб ном олган туркум сонетларининг муайян қисми муҳаббат мавзусида. “Лахзада севгимиз қариди”, “Қолмаслигинга қолмоқда куним”, “Ишқ аталган аламзорларда”, “Шеър унмаган қаламзорларда”, “Видо фасли – айни намозгар”, “Кун қон қусар волаларимдан”, “Муҳаббатим ақлдан озган”, “Юрак кетди, қолавердим мен”, “Менда энди ҳеч ким яшамас”, “Муҳаббат – армонли тенгсизлик”, “Қошлар аро айрилиқ яшар” сингари мисраларда ўз сўзини айта олган шоирнинг услуби ярқираб кўринади.

Петрарка давридаёқ сонетнинг ички тузилишига эътибор қаратилган, унинг образли тизими ҳақида мулоҳазалар билдирилган. Унинг асоси, ўзагини қиёслаш, солиштириш, ўхшатиш ташкил этади. Ҳар қандай мавзу ўз образига эга бўлиб, бу мавзу бир ёки бир неча сонетларни қамраб олади. Аини пайтда, бу занжирсимон обоазлар бир-бирини изоҳлаб, маънони чуқурлаштириб, тўлдириб келади. Кутилмаган ўхшатишлар шеърнинг қимматини оширади. Тез-тез учраган бу ўхшатишларнинг муболаға даражасида ҳамдир. Шу сабаб шоирлар гиперболадан унумли фойдаланадилар. Фахриёр сонетлари ҳам бундан мустасно эмас. *Юрак – умидлар мозори, / Уни ҳеч ким зиёрат этмас мисралари фикримизга далилдир.*

Фахриёрнинг сонет жанридаги ўзига хос услуби жонлантиришда ҳам кузатилади:

*Кўнгилда умидлар исёни
Ҳажринг дарвозасин тепади.
Армон умидларнинг қонига
Висолинг хокени сенади (7, 87).*

Кўнгилдаги умид исён қилишининг ўзиёқ ҳажр дарвозасини тепашига қодир бўлган образ сифатида гавдаланади. У жонланиб армоннинг ёнида ўз қонига бўялган, висол хоки устидан сепилаётган ҳолатда тасвирланган. Кучли жонлантириш ва тасвир ёрдамидаги ифодалар сонет жанрининг ўзига хос жиҳатларидандир. Шу сабаб Фахриёр жонлантиришнинг ташхис туридан фойдаланиб, мазмунни янада қабартириб беришга муяссар бўлади.

Шоир ижоди тадрижий такомил нуқтаи назардан кузатилганда, ҳаёт зиддиятлари, чархи кажрафтор, ақл-идрокка зид ҳақиқатларга дуч келиш мумкин. Бошқа шоирлар сингари Фахриёр ҳаётни, ёшлиқни куйлагани йўқ. Ёки табиатнинг гўзалликларидан, ҳаётнинг паст-баланд ишларидан ҳайратланиб, қувончи ҳаяжонларини шеърга солгани йўқ. Баъзан ҳам романтик хаёллар оғушида ишқий мотивдаги асарларни яратди. Бироқ бу каби шеърларида ҳам ҳаяжонга нисбатан фикр устунлиги яққол сезилиб туради. Шу сабаб унинг ижодида ҳазил-мутойиба, пичинг, кесатиқ шеърлар умуман учрамайди.

*Мен сени тушларга бой бериб қўйдим,
Адашдим муҳаббат ўрмонларида.
Гоҳо суйдим сени, гоҳида тўйдим,
Лек умид милтиллар кўнгил қаърида (7, 101).*

Ташбеҳнинг кучлиги, ўхшатишнинг оригиналлиги, фикрнинг тиниқлиги Фахриёр сонетларидаги ўзига хослик белгиловчи жиҳатлардан.

Хулоса қилиб айтганда, шакл ва мазмун уйғунлиги ҳар бир жанр, ҳар бир шеър учун ҳар доим ҳам муҳим. Бу, албатта, Фахриёр каби шоирлар

ижодида ўз мавқеини кўтараётган, муайян қоидаларга бўйсундирилган сонет жанри учун ҳам хосдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Адабий турлар ва жанрлар. – Тошкент: Фан, 1992. – 188б.
2. Ахманова О.С. Основные направления современного структурализма. – М.,1955. – 233 с.
//Липгард А. Основы лингвопоэтики. – М.: Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2016, – 168 с.
3. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002, – 560 б.
4. Взаимосвязь и взаимовлияние жанров в развитии античной литературы. – М.,1989.//
Липгард А. Основы лингвопоэтики. – М.: Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2016, – 168 с.
5. Литературный энциклопедический словарь. М.1987. – 107 с.
6. SulonI. Adabiyot nazariyasi. –Toshkent: O'qituvchi, 2005, – 272 б.
7. Фахриёр. Геометрик баҳор. –Тошкент: Маънавият,2004, – 192 б.
8. Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги. –Тошкент: Фан, 1983, – 206 б.
9. Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. – Toshkent: Fan, 2007, – 227 б.